

«БИЗ ЎЗ ОЛДИМИЗГА ҚЎЙГАН БОШ ВАЗИФА — СОН ЖИҲАТДАН УНЧА КАТТА БЎЛМАГАН, ЗАМОНАВИЙ ҚУРОЛ-ЯРОҒ ВА ТЕХНИКА БИЛАН ҚУРОЛЛАНГАН АРМИЯНИ, ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР ОЛИБ БОРИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИНИ ЭГАЛЛАГАН ВА ҲАР ҚАНДАЙ БОСҚИНЧИ КУЧЛАРГА ҚАРШИ ТУРИШГА ВА ЗАРБА БЕРИШГА ҚОДИР БЎЛГАН ТЕЗКОР, ҲАР ТОМОНЛАМА ЎЗИГА СУЯНГАН ВА ТАЪМИНЛАНГАН ҚИСМЛАР ЯРАТИШДАН ИБОРАТДИР».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

# КАСБИНИ ҚАДРЛАЁТГАН КОМБАТ

**Бугунги кунда миллий армиямиз салоҳияти она-Ватанимиз жангчиларининг фидокорона хизматлари туфайли янада кучаймоқда. Юртимиз тинчлиги йўлида халқ ишончини оқлаётган тажрибали офицерлардан бири — илғор батальонга командирлик қилаётган капитан Ғанишер Халияров ҳисобланади. Хизмат бобида учрашиб, ундан ҳарбий хизмат йўли тўғрисида сўзлаб беришни сўрадик.**

— Сурхондарё вилоятиданман. 1990 йили касб-ҳунар билим юртини тугаллаб, муддатли хизматни ўтадим. Муддатли хизматни тугатгач, Чирчиқ олий танк командир муҳандислар билим юртига ўқишга кирдим. Ўқишларим ёмон бўлмади. 1996 йили ўқишни муваффақиятли тугатиб, ушбу билим юртида взвод командири лавозимида 1999 йилгача хизмат қилдим. Кейин эса ҳарбий қисмларда взвод командири, батальон штаби бошлиғи, батальон командирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари лавозимларида хизмат қилдим. Айни кунда батальон командири лавозимида хизмат қилаяпман. Мен ўз касбимни жуда севаман ва ҳурмат қиламан. Шу туфайли менда дам олиш кунлари жуда кам бўлади, бўш вақтларимнинг аксарият қисми қисмда ўтади. Чунки менга катта масъулиятли лавозим топширилган. Менга ишонч билдирилган экан, мен уни уддалаб билишим керак.

Айни кунда қишки ўқув мавсумининг қизғин авж олган палласи. Батальонимиз шахсий таркиби аждодларимиз анъаналарини муносиб давом эттириб, юртимиз осойишталигини сақлашда доим ҳушёрлик ва сергакликни бўшаштирмасдан астойдил хизмат қилиб келмоқда.

Барча қисмлардаги каби бизнинг батальонимизга ҳам ҳар йили республикамизнинг олий ҳарбий билим юртларини тугатган ёш офицер кадрлар келиб қўшилмоқда. Улардан катта лейтенант И. Тоштемиров, лейтенантлардан С. Раҳимов, У. Бобоев ва Р. Рамазоновлар билимдонлиги ўз хизмат бурчларига масъулиятли ёндашаётганлиги туфайли номлари тез-тез тилга олинмоқда. Аскарларимиздан фарғоналик У. Ярашев, Сирдарё вилоятидан Ш. Маматқулов ва тошкентлик Д. Асалбековлар илғорлар қаторидан жой олиб келмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, барча Ватан ҳимоячиларини Қуролли Кучларимиз 11 йиллик байрами билан табриклайман. Уларнинг оилаларига бахт тилаш билан бирга, машаққатли лекин шарафли хизматларида омадлар тилайман.

**Суҳбатдош: шартнома бўйича хизмат сержанти Аманбай АРЗИЕВ. Нукус гарнизони.**

# ОМАД ТИЛАБ ҚОЛАМИЗ

Оддий аскар Каримжон Рустамов тўпчилар қисмида хизмат қилади. Бу қисмда посбонлик бурчини ўтаётган аскарлар билан суҳбатлашиб шунга ишонч ҳосил қилдик: бундай ҳарбий жамоада хизмат қилиш улар учун шарафли. Йигитларнинг деярли барчаси тўпчилар сафида бўлишни аввалдан орзу қилишган.

Навоий вилоятининг Кармана шаҳрида улғайган Каримжон ҳам мана шу орзуси ушалган аскарлар сафини тўлдириб турганидан хурсанд. Дастлаб ўрта мактабнинг тўққизинчи синфини битирган ўсмир йигит Кармана шаҳридаги қишлоқ хўжалик коллежида касб эгаллади. Уни битиргач, 2001 йилнинг кўзида муддатли ҳарбий хизматга отланди.

— Омадни қарангки, ўзим қизиққан, ният қилган тўпчилар жамоасида хизмат қилиш менга насиб этди,— дейди оддий аскар К. Рустамов миннатдор қиёфада. — Хизматнинг дастлабки даврлари барча аскарлар учун ҳам енгил кечмайди. Чунки янги муҳитга мослашиш, армиянинг қатъий интизомига ҳар қадамда риоя қилиш зарур. Мана шу вақтда менга қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Иномжон Имоматовнинг ёрдам ва ўгитлари катта таянч бўлди. Мана, хизмат бурчимни ўтаётганимга ҳам бир йилдан ошди. Ўтган давр мобайнида машғулотларда жуда катта сабоқ олдим. Синов машғулотларида дастлаб қийинчилик бўлди, албатта. Бунга сабаб менда тажриба етишмасди. Кейинчалик гуруҳимиз командири лейтенант Акмал Мирзаевнинг амалий машғулотлардаги сабоқ ва ёрдами билан қийинчиликларни енгиб бордим. Машғулотларда, айниқса тўплардан нишонга отишда юқори натижаларга эришган оддий аскарлар — Малик Исломов ва Истам Раҳмоновлардек бўлишга ҳаракат қилдим. Вазифамга қизиққаним ва интилишларим туфайли ўтган синов натижалари мен учун ҳам муваффақиятли якунланди. Ҳозирда қишки ўқув машғулотларини дўстларим оддий аскарлар — Шаҳриёр Раҳмонов, Лочин Ҳусаинов, Шерали Ҳакимовлар билан биргаликда янада кўтаринки кайфиятда давом эттираяпмиз. Мақсадимиз — амалий машғулотларда фақат олдинги сафда бўлиш.

Орзулари юксак йигит — оддий аскар Каримжон Рустамовнинг эзгу ниятларига биз ҳам қўшиламиз. Шу билан бирга уларни 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни билан қутлаган ҳолда, саломатлик, хизматларида омад тилаб қоламиз.

**Зулфия ЮНУСОВА, «Ватанпарвар» мухбири.**

# Наставник метких стрелков

**Младшего сержанта по контракту Аскара Хушназарова сослуживцы по праву называют наставником метких стрелков — ведь он является старшим инструктором цикла вооружения и стрельбы школы подготовки сержантов Центрального военного округа.**

Наша встреча произошла на курсах подготовки инструкторов, которые проводил Британский военный совет. Тогда на занятиях по огневой подготовке англичане дали высокую оценку уровня выучки узбекских коллег. Есть в ней и доля ратного труда младшего сержанта А. Хушназарова, чьи меткие выстрелы на огневом рубеже дали основание гостям достойно оценить наших профессионалов.

Законную гордость командования школы за своего питомца вполне можно понять — Аскар лишь минувшей осенью завершил здесь обучение и был оставлен на должность инструктора.

Уроженец Гузалкентского тумана Самаркандского вилоята не готовил себя изначально к армейской стезе — закончив факультет физвоспитания СамГУ, хотел работать тренером, ведь он кандидат в мастера спорта по самбо. Однако события 2000 года, когда были уничтожены банды международных террористов, которые пытались нарушить мир и покой в стране, укрепили Аскара в мысли: чтобы гарантировать мирный труд сограждан, в том числе своей семьи, где растут сын и дочь, надо встать в строй.

Вот так он пришел в сержантскую школу. А о том, как Аскар в ней учился, можно судить по его дальнейшей карьере — здесь оставляют только лучших.

**Майор Аблай КАМАЛОВ.**



**Хат-хабарларни телеграф орқали тезкорлик билан етказишда механик-телеграфчи оддий аскар Жамол Раҳимовнинг хизматлари катта. У ўз касбини пухта эгаллаган. Шунинг учун ҳам ҳар қандай топшириқни тез ва соз уддалайди. Ҳозирги асосий мақсади яқинлашиб келаётган Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш.**

**Александр МРУЧАК олган сурат.**

# РАВНЕНИЕ НА ЛУЧШИХ

В воинском коллективе, где служит майор Толиб Мансуров, военнослужащие по контракту составляют его костяк. И потому не удивительно, что остальные стремятся брать с них пример.

Одним из таких воинов, являющихся во всем образцом для сослуживцев, по праву можно назвать инструктора по вооружению сержанта по контракту Хаёта Вохидова.

Проводя занятия с будущими военными профессионалами, он в простой и доступной форме доводит до них устройство находящегося на вооружении в наших Вооруженных Силах стрелкового оружия, попутно объясняет правила ухода за ним, методику ведения меткого огня.

Вот и при проведении практических стрельб с выездом на полигон опытный наставник начинает прежде всего с проверки состояния оружия — если у кого-нибудь оно окажется недостаточно хорошо обслужено, то обязательно потребует устранения недостатков.

Эта высокая требовательность и личная примерность, мастерское владение оружием снискали сержанту Х. Вохидову заслуженное уважение в коллективе.

**Майор А. НУРОВ.**

# ЮТУҚЛАР КАЛИТИ—АҲИЛЛИК

Кичик сержант Умид Мирзаев бошқараётган тўп расчёти аъзолари қишки мавсум ўқув машғулотларида юқори натижаларни қўлга киритиб, пухта билим ва амалий кўникмага эга эканликларини намоён этмоқдалар. Тўпнинг ҳар бир қисми ва уларнинг ўзаро ҳаракатланиш жараёнини атрофлича тушунтириб берган нишонга олувчи оддий аскар А. Ғозиев бўлинма командирининг олқишига сазовор бўлди. У назарий билимларини дала-ўқув машғулотларидаги амалий кўникмалари билан янада мустаҳкамлай билди.

Кичик командирнинг буйруқ ва топшириқларини тез ҳамда мукаммал адо этган оддий аскар И. Қўзиев ҳам умумжамоа ютуғига салмоқли ҳисса қўшди. У аксарият сафдошлари каби кўнгилдагидек натижа кўрсатди.

Жанговар, ижтимоий-сиёсий, техник, жисмоний тайёргарликлар бўйича уюшқоқлик билан ўтказилган машғулотларнинг якуний хулосаларидан маълум бўлди-ки, мазкур аҳил жамоа посбонлари ўз вазифаларини мукаммал ўзлаштириб олишган. Ҳар бир сержант ва оддий аскар турли вазиятларда қандай ҳаракат қилиш, нишонга бехато отиб, қарши кучни бартараф эта олиш маҳоратига эга.

Муваффақиятларнинг яна бир сабаби — бўлинма шахсий таркиби ўртасида ўзаро дўстона муносабат ўрнатилганлигидадир. Ваҳоланки, жамоа аъзолари бир-биридан кўмагини сира дариғ тутмайди, камчиликларни ошкор айтиб, уларни бартараф этиш хусусида бош қотиради, кўзланган марра сари ҳамкорликда интилади. Шу боис бўлинма аҳли қийинчиликларни осон енгиб ўтади.

— Жамоамиз аъзолари она-Ватан олдидаги ўз Конституциявий бурчларини шараф-ла бажармоқдалар,— дейди кичик сержант У. Мирзаев.— Улар бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ. Касбий малакаларимизни доимий ошириш, фидокорона хизмат бизнинг Ватан ҳимоячилари кунига аскарий совғамиздир.

**Лейтенант Ҳасан МИРЗАЕВ, «Ватанпарвар» мухбири.**

